

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

**Саноат фармация йўналиши “Косметик ва парфюмерия препаратлари
технологияси” фанидан 4 курс талабаларига**

**КУРС ИШИНИ БАЖАРИШ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

Тошкент-2007 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ЎзР ССВ Фан ва ўқув
юртлари бош бошқармаси бошлиғи
проф. Ш.Э.Атаханов**

2006 йил “ ” ”

**Саноат фармация йўналиши “Косметик ва парфюмерия препаратлари
технологияси” фанидан 4 курс талабаларига**

**КУРС ИШИНИ БАЖАРИШ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

Тошкент-2007 йил

Тузувчилар **ДТТ кафедраси мудири ф.ф.д. К.С.Махмуджонов,
профессор З.А.Назарова, доц. Г.М.Туреева,
доц. Н.С.Файзуллаева**

Такризчилар:

ФИТҚИ кафедрасининг доценти, ф.ф.н.

Д.Т.Соипова

Ўз Р ССВнинг

**дори воситалари ва тиббий техника
сифатини назорат этиш бош бошқар-
маси сертификатлаштириш идораси-
нинг рахбар муовини, ф.ф.н.**

А.А. Ашуров

**Ўқув-услубий кўрсатма Тошкент фармацевтика институтининг
Марказий услубий кенгашида 2006 йил 6 ноябрь 4-сонли баённома ва институтнинг
Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган.
2006 йил 14 ноябрь 4-сонли баённома.**

КИРИШ

Саноат фармацияси талабалари учуни учун мўлжалланган ушбу услубий кўрсатма 34 та мавзудан ташкил топган бўлиб, “Косметик ва парфюмерия препаратлари технологияси” фанига бағишланган.

Берилган курс иши мавзулари устида талабалар IX-X семестрда ишлаб, сўнгра кафедранинг қарори билан тузилган, хайъат аъзолари олдида ҳимоя қилиб топширадилар.

Талабаларга мавзу IX семестр бошида тақсимлаб берилади. Ҳар бир мавзу зарварақ, кириш, адабиётлар шарҳи, тажриба қисми, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиши керак. Услубий кўрсатмада МТХ ва адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда келтирилган бўлиб, ҳар бир мавзудан сўнг эса тегишли адабиётларнинг рақамлари берилган. Талаба фойдаланган адабиётлар рўйхатини Давлат стандарти бўйича келтириши керак.

Курс ишини бажариш вақтида шароитга қараб раҳбар режага қисман ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бунинг афзаллиги шундан иборатки, битта мавзуни қайта-қайта такрорланишини олдини олиш мумкин бўлади.

Курс иши қўлёзма ҳолида 15-20 саҳифани ташкил қилиши керак. Ишни бажариш давомида раҳбар талабага мунтазам равишда машварат олиб боради. Талаба курс ишини расмийлаштириб бўлганидан сўнг имзо чекиб ҳимоя учун топширади.

Курс иши 100 балли системада баҳоланади.

Изоҳ. Курс ишини мавзуси кафедра журналида қайд этилган тартиб рақамга тўғри келиши керак. Курс ишини мавзуси ўзгартирилмайди. Ўзгартириш фақат кафедра мажлиси қарори билан амалга оширилиши мумкин.

Курс ишининг мақсади ва вазифалари

Курс иши – ўқув жараёнининг муҳим ва асосий бир қисми бўлиб, олий ўқув юрти ўқув режасига киритилган. Курс ишини ўқитувчи раҳбарлигида талабаларнинг мустақил бажаришига мўлжалланган ўқув-услубий ва илмий ишидир.

Курс иши талабаларни олий ўқув юртида олган назарий ва амалий билимларини мустақил ва кенг доирада чуқур ўзлаштирилишига, ҳамда фан соҳасидаги илмий адабиёт манбалари билан танишиш ва улардан тўғри фойдалана билиш, экспериментал изланиш олиб бориш қобилиятини оширишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Курс ишини бажаришда талаба албатта экспериментал иш олиб бориши шарт!

Умумий қоидалар

Талаба курс ишини кафедра томонидан берилган мавзу асосида бажаради. Мавзунинг ёритишда режа қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши керак:

I. Кириш.

II. Адабиётлар шарҳи

III. Амалий (тажриба) қисми.

IV. Хулоса.

V. Фойдаланилган адабиётлар.

Мавзу кафедра ходимлари томонидан тузилиб, уларнинг сони 100 тадан кам бўлмаслиги керак.

Талаба маълум бир мавзу олганидан кейин керакли адабиётлар билан ишлашга киришади. Адабиётлар сони 20 тагача бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мавзу бўйича адабиётда мавжуд материалларни реферат қилиш ва уларни чуқур ўрганиб чиқиб, меъёрига келтириб, тартиб билан ёзиб чиқиш ва ундан келиб чиққан умумий хулоса асосида талаба ўзининг олдида турган экспериментал ишини бажариш йўлини ҳал қилади.

Курс ишини талаба ўз қўли билан аниқ, чиройли ва ҳатосиз ёзиши шарт! Ҳажми 12-20 бет. Ҳар бир варақнинг хошиялари чап томондан 3 см, юқори ва паст томондан 2 см, ўнг томондан 1 см жой қолдирилиши ва ҳар бир бетда 24-25 қатор бўлиши лозим (илова келтирилади).

Бош варақада қуйидаги маълумотлар берилади: вазирлик ва олий ўқув юрти номи, курс ишига алоқадор кафедранинг, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган муассасанинг номи, мавзунинг номи, муаллифнинг ва раҳбарнинг исми, фамилияси тўлиқ акс этилган бўлиши керак. Айни келтирилган маълумотлар аниқ ва кўркем кўринишда ёзилади. Курс ишининг бошида кириш сўзи ёзилади. Охирида эса курс ишига доир фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. Кириш сўзида талаба ишининг мақсади, вазифаси, мавзунинг аҳамияти ва муҳимилиги тўғрисида қисқача ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб адабиётлар беради.

Курс ишининг мавзусига оид дастлабки адабиёт манбаларини талаба тўлиқ кўчириб олмасдан, балки умумлаштирувчи қисқа маълумот тарикасида таърифлаб берилиши лозим.

Курс ишининг хулоса қисмида тажрибада бажарилган иш юзасидан олинган натижалар асосида тўғри хулоса чиқариш кўзда тутилган.

Амалий қисм

Курс ишининг амалий қисми ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиёти даврида, амалиёт объектида (дорихонада, дорихона корхоналарида) бажарилади.

Талаба томонидан баён этиладиган амалий қисм аниқ, изчил ва қисқа бўлиши лозим. Иш кўпроқ талабанинг шахсий мулохазаларидан, мисоллар ва расмлар, солиштириш ва умумлаштиришдан, тажриба материалларини келиштиришдан ташкил топса мақсадга мувофиқ бўлади.

Курс ишининг охирида талаба мавзуга доир фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиради.

Рўйхатда фойдаланилган адабиёт муаллифи, адабиётнинг номи, нашриётнинг номи, нашр этилган йили (ойномада босилган бўлса мақола муаллифининг номи, ойнома чиққан санаси, нашри ва мақоланинг босилган бети) ва адабиёт қайси тилда ёзилган бўлса шу тилда аниқ ва тўғри кўрсатилиши керак.

Курс ишига раҳбарлик

Курс ишига кафедра профессор-қўитувчилари ҳамда талаба ўқув ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган корхона, дорихона ва ҳоказолардан юқори малакали мутахассислар раҳбарлик қиладилар.

Курс ишини бажарилиши

Курс ишини тажриба қисми асосан талаба ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган муассасада ёки кафедранинг илмий лабораториясида бажаради. Кафедра ўқитувчилари назорат қилади.

Курс ишини ҳимоя қилиш

Раҳбар курс иши мавзусига баҳо бериши билан бирга, унда талаба қўйилган масалаларни нақадар тўла ва илмий-услубий асосда амалга оширганлиги, иш юзасидан олинган натижаларнинг аҳамияти, ҳамда ишни ижобий томонлари ва қилинган хулосанинг тўғрилигига эътибор бериш тўғри бўлади.

Курс ишининг бажармаган ёки ҳимоя қила олмаган талаба қарздор ҳисобланади. Ҳимоядан ўтолмаган талаба қайта ҳимоя қилиши учун вақт берилади.

КОСМЕТИКА ВА ПАРФЮМЕРИЯ ПРЕПАРАТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

МАВЗУ 1

КОСМЕТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРИХИ ВА ТИББИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметика воситаларини Антик даври, қадимги Египет, Юнон, Рим ва ислом давлатларида ривожланиш тарихи.
- 1.2. Ибн Сино асарларида косметик воситаларга берилган таъриф.
- 1.3. Косметик воситаларни ўрта асрлардаги ҳолати.
- 1.4. XX аср косметик воситаларининг таърифи.
- 1.5. Косметик воситаларнинг замонавий таснифи ва таърифи.
2. Косметология фанининг тарихи ва ривожланиш истикболлари.
3. Косметология фанининг тиббиётдаги аҳамияти. Косметик ва дори воситаларни замонавий интеграцияси.

II. Амалий қисми.

1. К.Гален тавсия этган қадимий таркиб бўйича (асалари оқ муми 3,0 г, спермацет 1,0 г, бодом мойи 20,0 г, сув 10,0 г) косметик кольдкрем технологиясини тикланг ва олинган маҳсулотни сифатини баҳоланг.
2. Косметик кремларни жиҳозлаш ва сақлаш муаммолари.

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Мундарижа.

АДАБИЁТЛАР: №№ 3,4,9,16,18,22,24,26,69

МАВЗУ 2

КОСМЕТОЛОГИЯДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР. КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ТАЪРИФИ, ТАСНИФИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметология фаниниг замонавий ҳолати ва ривожланиш истикболлари. Косметологиядаги замонавий йўналишлар.
2. Замонавий косметик воситаларнинг таърифи, таснифи ва уларга қўйиладиган талаблар. Косметик воситалар сифатини меъёрловчи МТХ.
3. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёлар ва материаллар тури, уларга қўйилдиган талаблар.
4. Замонавий косметик воситаларни тайёрлашдаги технологик жараёнларнинг таърифи (майдалаш, элаш, аралаштириш ва бошқалар). Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни изоҳлаб беринг.

II. Амалий қисми.

1. Тавсия этилган таркиб бўйича ёғли тери учун пудра тайёрланг:

Гуруч крахмали 3,0 г

Тальк 6,0 г

Рух оксиди 1,5 г

2. Таклиф этилган таркиб бўйича пудра кофе майдалагич асбобида майдаланганида сарф коэффициенти 1,03 га тенг бўлди, ҳавончада майдаланганида эса сарф коэффициенти 1,06 ни ташил этди. Олиб борилган икки технологик жараёнларнинг унумдорлигини аниқланг, натижаларни ҳисоб-китоб билан асослаб беринг. Махсулотни сифтини баҳоланг, майдалаш ва элаш жараёнига кирим-чиқим нисбатини тузинг.

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Мундарижа.

АДАБИЁТЛАР: №№ 3,4,9,16,18,22,24,26,69

МАВЗУ 3

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ХОМ АШЁ, ДОРИ МОДДАЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларни таснифи, таърифи.
2. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёлар ва материаллар тури, уларга қўйилдиган талаблар
 - а) Табiiй;
 - б) Синтетик;
 - в) Яримсинтетик махсулотлар.
3. Турли хом ашёлар ва материалларни косметик воситалар таркибига қўшишдан мақсад, уларни терига таъсир кўрсатиши.

4. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёлар ва материалларни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми.

1. Косметик препаратлар технологиясида қўлланиладиган хом ашё ва дори моддалар, материаллар сифатини баҳолаш ва меъёрловчи ҳужжатлар талабига мос келишини исботлаш (бирон-бир антисептик модда мисолида: борат кислотаси, натрий тетраборт ва ҳ.к.).

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Мундарижа.

АДАБИЁТЛАР: №№1,3,6,9,37,42,44,54,58,62,68.

МАВЗУ 4

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЁРДАМЧИ МОДДАЛАР ТАЪРИФИ, ТАСНИФИ, УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар таърифи, таснифи, уларга қўйилдиган талаблар

а) Тўлдирувчилар

б) Эритувчилар

в) Асослар

2. Косметика саноатида ишлатилдиган ёрдамчи моддаларни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган косметик восита таркибига кирувчи бирон-бир ёрдамчи моддаларни МТХ талабига мос келишини ўрганинг:

а) табиий моддалар (липидлар, мумлар, углеводородлар; эритувчилар ва ҳ.к.).

б) полимер моддалар (табиий, синтетик).

2. Ёрдамчи моддаларни сақлаш шароитини асослаб беринг.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№1,3,6,9,37,42,44,54,58,62,68.

МАВЗУ 5

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЁРДАМЧИ МОДДАЛАР: СФМ, ТУРҒУНЛАШТИРУВЧИЛАР, СТРУКТУРА ХОСИЛ ҚИЛУВЧИ, ҚУЮҚЛАШТИРУВЧИ ВА БОШҚАЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар таърифи, таснифи, уларга қўйилдиган талаблар:

а) СФМ

б) турғунлаштирувчилар

в) структура ҳосил қилувчилар

г) қуюқлаштирувчилар

д) корригентлар ва бошқалар.

2. Косметик воситаларни тайёрлашда ишлатиладиган функционал - мақсадли ёрдамчи моддалар таърифи, таснифи, уларга қўйилдиган талаблар.
3. Косметика саноатида ишлатилдиган функционал ёрдамчи моддаларни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми

1. Косметик восита таркибига кирувчи ёрдамчи моддаларни МТХ талабига мос келишини ўрганиш (бирон-бир СФМ, турғунлаштирувчи, структура ҳосил қилувчи, қуюқлаштирувчи ёки қорригентлар мисолида).
2. Ёрдамчи моддаларни сақлаш шароитини изохлаб беринг.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№1,3,6,9,37,42,44,54,58,62,68.

МАВЗУ 6

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
 - а) эритиш жараёнини
 - б) дисперглаш жараёнини
 - в) гомогенлаштириш жараёнини
2. Косметика саноатида ишлатилдиган асбоб-ускуналарни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми

1. УПМ-3 асбобида руҳ оксиди асосида тавсия этилган таркиб бўйича ҳимояловчи косметик крем ишлаб чиқишдаги иш унумдорлигини ҳисобланг:

Руҳ оксиди 5,0 г

Крахмал 5,0 г

Вазелин 25,0 г

Олинган крем сифатини қўлда тайёрланган крем билан солиштиринг.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№6,14,31,43,44,54,70

МАВЗУ 7

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларни қадоқлаш ва жиҳозлашда ишлатиладиган материалларни таснифи, турлари
 - а) суюқ косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материаллар
 - б) юмшоқ косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материаллар
 - в) қаттиқ косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материаллар
 - г) газ ҳолатидаги косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материаллар
2. Косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материалларга қўйиладиган умумий талаблар.

3. Косметик воситаларни жиҳозлашда ишлатиладиган материалларни ривожланиш истикболлари.

II. Амалий қисми.

Тавсия этилган таркиб бўйича терини тозалаш учун мўлжалланган косметик крем тайёрланг:

Бура	0,25 г
Аслари муми	3,0 г
Шафтоли мойи	20,0 г
Тозаланган сув	10,0 мл

1. Тайёрланган косметик крем турғунлигига ва сифатига турли жиҳозловчи материалларнинг таъсирини ўрганинг (ҳарорат, намлик, қуёш нури ва ҳ.к.).

2. Турли материллардан тайёрлнган жиҳозларга косметик воситаларни тўлдиришда номинал ҳажимнинг аҳамияти (мисолларни ҳисоб-китоб билан асослаб беринг).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№6,14,31,43,44,54,70

МАВЗУ 8

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИГА ЎЗИГА ҲОС ТАЛАБЛАР. КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЖИҲОЗЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСБОБ- УСКУНАЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик воситаларнинг жиҳозланишига қўйиладиган умумий ва ўзига ҳос талаблар.

2. Косметик воситаларнинг жиҳозланадиган идишларга кўрсатиладиган шартли белгилар, уларнинг изоҳи ва аҳамияти.

3. Косметик воситаларни қадоқлаш ва жиҳозлаш жраёнларини автоматлаштириш муаммолари

а) суюқ косметик воситаларни

б) юмшоқ косметик воситаларни

в) қаттиқ косметик воситаларни

г) газ ҳолатидаги косметик воситаларни

II. Амалий қисми

1. Турли фирмларда ишлаб чиқарилган жиҳозлар бўйича, унга қадоқланган косметик воситаларни сифатини қиёсий баҳолаб беринг (косметик крем, пудра, лосьон, сут ва ҳ.к. мисолида).

2. Косметик воситаларни сақлаш шароити ва муддати.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№43,44,54

МАВЗУ 9

ТЕРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ. ТЕРИДА УЧРАЙДИГАН НУҚСОНЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Терининг анатомик ва гистологик тузилиши, ундаги қон айланиш ва иннервция.

2. Терида кечадиган биокимёвий жараёнлар таърифи.
3. Терининг физиологияси (ҳимояловчи, экскретор ва бошқа функциялари, теридаги қон айланиш физиологияси).
4. Терини умумий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуллари
 - а) Терининг турларини аниқлаш.
 - б) Терининг буфер ҳажмини ва рН аниқлаш ва унинг аҳамияти.
 - в) Теридан тер ажралиб чиқишини ўрганиш.
 - г) Теридан ёғ ажралиб чиқишини аниқлаш.
 - д) Терининг ўтказувчанлигини ўрганиш.
 - е) Терининг механик хоссаларини ўрганиш.

II. Амалий қисми

1. Юз терингизни турини, буфер ҳажмини, тер ва ёғ ажралиб чиқишини ўрганинг.
2. Олинган натижалар асосида терингизга тозалаш, озиқлантириш ва ҳимоялаш учун косметик воситалар турини таклиф этинг.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№4,6,9,16,17,18,26,29,36,65,68,70

МАВЗУ 10

КОСМЕТИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАЪСИР ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Турли мақсадда ишлатиладиган косметик воситаларни таъсир этиш механизми ва уларни тўғри қўллаш асослари.
2. Косметик воситалар таркибига қўшиладиган функционал - мақсадли қўшимчаларни тури, миқдори ва уларни таъсир этиш механизми.
3. Косметик препаратларни ножўя таъсири ва уларни бартараф этиш муаммолари.
4. Косметик препаратларни таъсир этиш механизмларини баҳолаш усуллари
 - а) косметик воситаларни фото ҳимояловчи хусусиятларини ўрганиш;
 - б) косметик воситаларни депигментациялаш хоссаларини ўрганиш;
 - в) косметик воситаларни пигментациялаш хоссаларини ўрганиш;
 - г) ювувчи косметик воситаларни таъсир механизми.

II. Амалий қисми.

Таклиф этилган таркиблар бўйича косметик фотоҳимояловчи кремларнинг таъсир механизмларини ўрганинг:

- а) Хинин сульфат 2,0 г

Глицерин 18,0 г

Ёғли тери учун ҳимояловчи крем

- б) Висмут субнитрат 3,0 г

Вазелин 20,0 г

Нормал тери учун ҳимояловчи крем

- в) Фенилсалицилат 3,0

Руҳ оксиди 30,0

Вазелин 65,0

Нормал ва қуруқ тери учун ҳимояловчи крем

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№4,6,9,16,17,18,26,29,36,65,68,70

МАВЗУ 11 ФИТОКОСМЕТИК ВОСИТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Фитокосметикани ривожланиш тарихи. Замонавий фитокосметик воситаларни барпо этиш асослари.
2. Доривор ўсимликлар таркибидаги биофаол моддалар таърифи, таснифи, косметик воситалар таркибида ишлатиш мақсади.
3. Фитокосметик воситалар технологиясининг хусусиятлари.
4. Фитокосметик воситаларни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми

1. Мойчечак дамламси асосида олинган фитолосьонни турли териларни тозалаш учун мўлжаллаб тайёрланг. Тавсия этган таркибингизни изоҳлаб беринг.
2. Тайёрлаган фитокосметик лосьонларни сифатини баҳоланг.
3. Фитокосметик воситаларни турғунлигини таъминлаш, жиҳозлаш ва сақлаш муаммолари.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№4,6,7,9,10,16,17,18,20,21,26,29,33,36,46,65,68,70

МАВЗУ 12 КОСМЕТИК СУРТМАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛДИГАН АСОСЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик суртмалар технологиясида қўлланилдиغان асослар таснифи, таърифи
 - а) гидрофил асослар
 - б) липофил асослар
 - в) дифил асослар
2. Косметик суртмалар тайёрлашда асосларни танлаш принциплари. Асослар таркибига функционал қўшимчаларни киритиш тартиби.
3. Косметик суртмалар технологиясида қўлланилдиغان асосларни ривожланиш истиқболлари.

II. Амалий қисми.

1. Таклиф этилган таркиблар бўйича липофил, гидрофил ёки дифил асослардан бирини тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

а) Гидрофоб (ёғли) асослар:

Асалари муми 7,0

Ўсимлик мойи (кунгабоқар, бодом) 78,0

Ланолин сувсиз 5,0

Спермацет 10,0

б) Ёғсиз асослар :

Желатин 2,5

Глицерин 10,0

Тозаланган сув 100гача

в) Эмульсион консистент асос

Эмульгатор Т-2 –10,0 ёки эмульгатор Т-1

Вазелин – 60,0

Тозаланган сув – 30,0

2. Косметик суртмалар технологиясида қўлланилдиған асосларни сақлаш шароити ва муддати.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,65,68,70

МАВЗУ 13

КОСМЕТИК ДАВОЛОВЧИ СУРТМАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик даволовчи суртмаларни яратишдан мақсад, уларнинг таърифи, таснифи.
2. Даволовчи косметик суртмалар технологиясида қўлланиладиган асосларни танлаш қоидалари.
3. Турли типдаги даволовчи косметик суртмалар технологияси (гомоген, эмульсион, суспензион, аралаш типдаги, экстракцион ва мураккаб тарибли).
4. Даволовчи косметик суртмаларни сифатини баҳолаш, қадоқлаш, жиҳозлаш ва сақлаш масалалари.

II. Амалий қисми.

1. Тавсия этилган таркиб бўйича даволовчи косметик суртма таркибини тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

Салицил кислотаси 1,0

Руҳ оксиди 0,25

Крахмал 0,25

Вазелин 50,0

(Лассар пастаси) аллергия дерматитларни даволаш учун.

2. Суртма тайёрлашда гомогенлаштириш жараёнига материал баланс тузинг: маҳсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59, 60,65,68,70,71

МАВЗУ 14

КОСМЕТИК ГОМОГЕН СУРТМАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик суртмаларни таърифи ва таснифини келтиринг. Косметик суртмаларни ишлатилиши ва дисперс системаси бўйича таснифини келтиринг.
2. Гомоген типдаги косметик суртмаларни таърифи ва таснифи.
3. Гомоген типдаги косметик суртмаларда қўлланиладиган дори ва ёрдамчи моддаларни ўзига ҳослиги.
4. Гомоген типдаги косметик суртмалар таркибига дори воситаларни киритиш принциплари. Косметик суртмаларни тайёрлаш босқичлари. Гомоген косметик суртмалар технологияси.
5. Гомоген типдаги косметик суртмаларни сифатини баҳолаш. Косметик суртмаларни қадоқлаш ва жиҳозлаш тартиблари.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган таркиб бўйича гомоген типдаги косметик суртмани тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

Олинг: Шафтоли мойи 3,0 г

Парафин

Вазелин 5,0 г дан

Суртма ҳосил бўлгунича аралаштиринг

Б.Б. Қўл учун суртма.

2. Суртма тайёрлашда гомогенлаштириш жараёнига материал баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

**АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,62,65,66,68,70,71**

МАВЗУ 15

КОСМЕТИК ГЕТЕРОГЕН (СУСПЕЗИОН, ЭМУЛЬСИОН) СУРТМАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик суртмаларни таърифи ва таснифини келтиринг. Косметик суртмаларни ишлатилиши ва дисперс системаси бўйича таснифини келтиринг.

2. Гетероген типдаги косметик суртмаларни таърифи ва таснифи.

3. Гетероген типдаги косметик суртмаларда қўлланиладиган дори ва ёрдамчи моддаларни ўзига ҳослиги.

4. Гетероген типдаги косметик суртмалар таркибига дори воситаларни киритиш принциплари. Косметик суртмаларни тайёрлаш босқичлари. Эмульсион ва суспензион типдаги косметик суртмалар технологияси.

5. Гетероген типдаги косметик суртмаларни сифатини баҳолаш. Косметик суртмаларни қадоқлаш ва жиҳозлаш тартиблари.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган таркиблар бўйича бирон-бир гетероген типдаги косметик суртмани тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

а) Олинг: Бура 1,0

Крахмал 5,0

Глицерин 60,0

Аралаштиринг. Беринг. Белгиланг

Ёғли тери учун озиклантирувчи крем.

б) Олинг: Какао мойи 5,0 г

Аслари муми 2,5 г

Вазелин 10,0 г

Канакунжут мойи 5,0 г

Ялпиз суви 5,0 г

Беринг. Белгиланг. Озиклантирувчи крем

2. Суртма тайёрлашда гомогенлаштириш жараёнига материал баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

**АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,65,68,70,71**

МАВЗУ 16

КОСМЕТИК КРЕМЛАР ТАЪРИФИ, ТАСНИФИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСЛАР

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик кремларни таърифи ва таснифини келтиринг
2. Косметик кремлар таркибида қўлланиладиган асосларнинг ўзига ҳослиги.
3. Косметик кремлар таркибига қўшиладиган дори моддалар ва уларни киритиш принциплари. Косметик кремларни тайёрлаш босқичлари.
4. Косметик кремларни сифатини баҳолаш. Косметик кремларни қадоқлаш ва жиҳозлаш мсалалари.

II. Амалий қисми

1. Тавсия этилган таркиблар бўйича косметик сувсиз гидрофоб кремларни тайёрланг:

а) Юз терисини тозалаш учун крем:

Асалари муми 0,5

Парафин 3,0

Вазелин 35,0

б) Ёғли тери учун крем:

Стеарин 0,9

Асалари муми 0,6

Рух оксиди 0,45

Шафтоли мойи 5,0

Вазелин 15,0

Крем сифатни баҳоланг, крем тайёрлаш технологик жараёнига умумий материал баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,62,65,68,70,71

МАВЗУ 17

КОСМЕТИК КРЕМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик кремларни таърифи ва таснифини келтиринг
2. Косметик кремлар таркибида қўлланиладиган дори ва ёрдамчи моддаларни ўзига ҳослиги.
3. Косметик кремлар таркибига дори воситаларни киритиш принциплари. Косметик кремларни тайёрлаш босқичлари.
4. Косметик кремларни сифатини баҳолаш. Косметик кремларни қадоқлаш ва жиҳозлаш мсалалари.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган таркиб бўйича кольдрем тайёрланг:

Бура 0,25 г

Аслари муми 3,0 г

Шафтоли мойи 20,0 г

Тозаланган сув 10,0 мл

2. Кольдкремни тайёрланиши бўйича таъсир этиш механизмини изоҳланг: турли хароратга эга крем компонентларини аралаштиришда ҳосил бўладиган эмульсион система заррачалари ўлчамини микроскоп ёрдамид ўрганинг.

3. Кольдкрем тайёрлашда гомогенлаштириш жараёнига материал баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

**АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,62,65,68,70,71**

МАВЗУ 18

КОСМЕТИК НИҚОБЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик ниқоблар таснифи, таърифи, таркиби ва технологияси

а) Паста шаклдаги ниқоблар

б) Суюқ шаклдаги ниқоблар

в) Гель шаклдаги ниқоблар

г) Мум шаклдаги ниқоблар

д) Порошок шаклдаги ниқоблар

2. Турли шалдаги косметик ниқобларни сифатини баҳолаш.

3. Косметик ниқобларни қўллаш ва уларни таъсир механизми тўғрисидаги маълумотлар.

II. Амалий қисми

1. Парда ҳосил қилувчи модда (желатин, МЦ) ёки гиллар (оқ гил, бентонит) асосида косметик ниқоб таркиби ва технологиясини таклиф этинг.

2. Косметик ниқоб тайёрлашда аралаштириш жараёнига материал баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

3. Ниқобларни жиҳозлаш ва сақлаш масалалари.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

**АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,62,65,68,70,71**

МАВЗУ 19

КОСМЕТИК ГЕЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Косметик гель ҳолидаги воситаларнинг таърифи, таснифи.

2. Гель ҳосил қилувчи воситаларни таснифи ва таърифи.

3. Косметик геллар технологияси.

4. Косметик гелларни сифатини баҳолаш.

5. Косметик гелларни сақлаш ва барқарорлигини ошириш муаммолари.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган таркиб бўйича косметик гелни тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

Олинг: Салицил кислотаси 1,0 г

Метилцеллюлоза 3,0 г

Глицерин 10,0 г
Тозаланган сув 100,0 гача
Суртма ҳосил бўлгунича аралштиринг.

Беринг. Белгиланг. Сочга суртиш учун гел.

2. Аралаштириш технологик жараёнига моддий баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

**АДАБИЁТЛАР: №№3,4,5,6,9,16,17,18,26,29,36,37,40,43,44,50,58,59,
60,62,65,68,70,71**

МАВЗУ 20

КОСМЕТИК ЛОСЬОНЛАР ТАЪРИФИ, ТАСНИФИ. ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Терини парвариш қилиш учун қўлланиладиган замонавий косметик воситаларнинг таснифи ва тавсифи.
2. Косметик лосьонлар таърифи, таснифи. Турли типдаги териларни парвариш қилиш учун мўлжалланган лосьонлар технологияси.
3. Косметик лосьонларни тайёрлашда ишлатиладиган ёрдамчи моддалар таснифи ва таърифи.
4. Косметик лосьонларни сифатини баҳолаш.

II. Амалий қисми

1. Таклиф этилган таркиб бўйича хусунбузарларни даволашда ишлатиладиган косметик лосьонни тайёрланг ва сифатини баҳоланг:

Борат кислотаси 2,0

Салицил кислотаси 2,0

Резорцин 1,0

Левомецетин 3,0

Этил спирти 70% 50,0

2. Эритиш технологик жараёнига моддий баланс тузинг: махсулотни чиқиши (η), сарф (ϵ), ва сарф коэффициентини аниқланг ($K_{\text{сарф}}$).

3. Косметик лосьонларни жиҳозланиши ва сақлаш масалалари.

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Мундарижа

АДАБИЁТЛАР: №№4,5,6,7,9,16,20,21,30,33,37,41,43,44,46,48,51,62,63,64,68,70

МАВЗУ 21

ФИТОКОСМЕТИК МУРАККАБ ТАРИБЛИ ЛОСЬОНЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги, мақсади ва аҳамияти.

I. Адабиётлар шарҳи

1. Терини парвариш қилиш учун қўлланиладиган замонавий косметик воситаларнинг таснифи ва тавсифи.
2. Фитокосметик мураккаб таркибли лосьонларга қўшиладиган дори ва ёрдамчи моддалар таърифи.
3. Турли типдаги териларни парвариш қилиш учун мўлжалланган фитокосметик мураккаб таркибли лосьонлар технологияси.

II. Амалий қисми.

1. Тавсия этилган тирноқгул дамламаси асосида хусунбузарларга қарши тери тешикларини буриштирувчи фитокосметик мураккаб таркибли лосьонни тайёрланг:

Аччиқтош 3,0

Тирноқгул дамламаси 100,0

Камфора спирти 50,0

2. Фитокосметик мураккаб таркибли лосьонларни сифатини баҳолаш, қадоқлаш, жиҳозлаш ва сақлаш муаммолари.

Хулоса

